№ 311-01-50
12.05.2026 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Фарғона вилояти ҳокими
_____ Ҳ.Бозаров
“____” май 2026 йил

2026 йил 18-22 май кунлари Фарғона вилоятида “Медиа ҳафталик” тадбирларини ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ДАСТУРИ

Ўтказиш жойи: **1-объект:** Фарғона шаҳри, Фарғона “ЭКСПО” маркази
2-объект: Фарғона вилояти ахборот кутубхона маркази
3-объект: Фарғона давлат университети.

Масъуллар: Ш.Полвонов, М.Сулаймонов, Ш.Аслонов, И.Низомов, Б.Шермуҳаммадов, Ҳ.Шерматова, В.Назаров

Ҳафталик мақсади: Мамлакатимизнинг энг етакчи медиа-экспертлари, муҳаррир ва продюсерлари иштирокида контент яратиш, фактчекинг, рақамли гигиена, СММ ва стратегик коммуникациялар каби муҳим мавзулар бўйича журналистлар, блогерлар ва матбуот котибларини малакасини ошириш.

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
1.	2026 йил 18-22 май кунлари Фарғона вилоятида “Медиа ҳафталик” тадбирларини ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши ўтказиш ва масъулларга аниқ вазифаларни белгилаб бериш.	2026 йил 15 май	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Полвонов), Фарғона шаҳар ҳокимлиги (В.Назаров)
2.	“Медиа ҳафталик” тадбирлари бўлиб ўтадиган объектлар ва уларга ёндош бўлган ҳудудларни тадбирга мос равишда безаш ва атрофни ободонлаштириш чораларини кўриш.	2026 йил 16 майга қадар	Фарғона шаҳар ҳокимлиги (В.Назаров), Экспомарказ (И.Низомов)
3.	“Медиа ҳафталик” тадбирлари ўтказиладиган залларни	2026 йил	Вилоят ҳокимининг ўринбосари

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
	тадбир мазмун-моҳиятига мос равишда тайёрлаш. Бунда, 100 нафар иштирокчилар учун кейтеринг хизмати орқали тушлик “Фуршет столи” ташкил қилиш.	18-22 май	Ш.Полвонов, Ёшлар ишлари агентлиги вилояти бошқармаси (М.Меликўзиев), Фарғона шаҳар ҳокимлиги (В.Назаров), Фарғона давлат университети (Б.Шермуҳаммадов), Экспомарказ (И.Низомов)
4.	Тошкент шаҳридан ташриф буюрадиган 20 нафар меҳмонларни тантанали кутиб олиш ва меҳмонхонага жойлаштириш. Шунингдек, меҳмонлар учун Фарғона вилояти ичида ҳаракатланиши учун микроавтобус ва енгил автотранспорт воситаларини ажратиш.	2026 йил 17-22 май	Фарғона вилояти ҳокимлиги (А.Сарбаев, М.Сулаймонов) “Янги Фарғона” газетаси (Ш.Аслонов)
5.	“Медиа ҳафталик” тадбирларига ташриф буюрадиган меҳмонларни вилоят ичида хавфсиз ҳаракатланиши учун йўл ҳаракати хафсизлиги кузатув машиналарини бириктириш, ҳаракат хавфсизлигини алоҳида назоратга олиш.	2026 йил 18-22 май	Фарғона вилояти ИИБ, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Ф.Шайзоқов) **Назорат:** Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси (А.Раҳматуллаев)
6.	“Медиа ҳафталик” ўтказиладиган бинолар ва хоналарга зарур бўладиган жиҳозлар, тарғибот материаллари ва тадбир мазмун-моҳиятига мос тарғибот баннерлари ўрнатиш. Фарғона давлат техника университети семинар бўлиб ўтадиган залларни электрон доскалар, зарур иш қоғозлари ҳамда овоз кучайтиргичлар билан таъминлаш	2026 йил 18 майга қадар	Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (М.Туримов), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (М.Меликўзиев), “Тасвирий ойна” ИУ вилояти бўлими (А.Саидтажиев) Фарғона давлат техника университети (Р.Тожиев)
7.	“Медиа ҳафталик” тадбирлари сертификатлари учун 200 дона рамка ва иш қоғозлари, бейджиклар харид қилиш.	2026 йил 17 майга	Бувайда тумани ҳокимлиги (Б.Ибрагимов),

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
		қадар	Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (М.Меликўзиев)
8.	“Медиа ҳафталик” тадбирлари иштирокчилари учун марказлашган тартибда овқатланиш, меҳмонхона ва транспорт харажатларини тасдиқланадиган смета асосида ўз вақтида ташкил қилиш.	2026 йил 21-22 май кунлари	Фарғона вилояти ҳокимлиги (А.Сарбаев, М.Сулаймонов)
9.	“Медиа ҳафталик” тадбирлари фаол иштирокчиларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ташаккурнома ва эсдалик совғаларини ташкил қилиш.	2026 йил 22 май	Фарғона вилояти ҳокимлиги (А.Сарбаев, М.Сулаймонов), Учкўприк тумани ҳокимлиги (Қ.Эркабоев), Риштон туман ҳокимлиги (Б.Холиқов), “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси
10.	“Медиа ҳафталик” учун зарур бўладиган қўшимча жиҳозлар харид қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган **“Selfi zona”ни** ясатиш.	2026 йил 22 май	Фарғона вилояти ҳокимлиги (А.Сарбаев, М.Сулаймонов), Фарғона вилоят ахборот кутубхона маркази (Ҳ.Шерматова), Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (М.Туримов)
11.	Иштирокчилар сиғимини ҳисобга олиб, ташкилотчилар учун қулай шарт-шароит яратиш (Наврўз ва Мустақиллик тантаналарида фойдаланиладиган алоқа узатиш воситалари, юмшоқ мебеллар, микрофон ва ҳ.к.)	2026 йил 18-22 май	“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали (В.Ежков), Маданият бошқармаси (Ж.Тожибоев) Фарғона вилоят ахборот кутубхона маркази (Ҳ.Шерматова), Фарғона давлат университети (Б.Шермуҳаммадов), Экспомарказ (И.Низомов)

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
12.	Ҳафталик ўтказиладиган кунлари маданий тадбирларни ташкил этиш, очилиш ва ёпилиш маросимини тантанали ўтказиш.	2026 йил 18-22 май кунлари	Маданият бошқармаси (Ж.Тожибаев)
13.	“Медиа ҳафталик”да иштирок этадиган Ахборот хизмати раҳбарлари, журналистлар, босма ва электрон ОАВлар, репортёрлар ва мобилографлар ҳамда ОТМларда соҳага ёндош бўлган йўналишларда таҳсил олаётган талабаларни жалб этиш ва улар иштирокини таъминлаш. Фарғона давлат университети-150 нафар; Фарғона давлат техника университети-100 нафар; Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти-50 нафар; Фарғона халқаро тиббиёт университети-50 нафар; Қўқон давлат университети-50 нафар; Ёшлар ишлари вилоят бошқармаси-100 нафар; Вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси -50 нафар; Касбий таълим бошқармаси-50 нафар	2026 йил 18-22 май кунлари	Туман (шаҳар) ҳокимликлари, Вилоятдаги бошқарма, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари, Фарғона давлат университети (Б.Шермуҳаммадов), Фарғона давлат техника университети (Р.Тожиев), Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти (А.Сидиков), Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (Ш.Долимов), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (М.Меликўзиев), Вилоят телерадиокомпанияси (И.Ҳалимбеков), Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими (М.Обидов), Ҳудудий телеканаллар
14.	Тошкент шаҳридан келган меҳмонларни кечки овқатини ташкил қилиш. *(10 нафар)*	2026 йил 18-22 май	Фарғона вилояти ҳокимлиги (Ў.Мақсудов), “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви, “Ҳудудгаз Фарғона” ГТФ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси
15.	Ёпилиш маросими ўтказиладиган Фарғона Экспо марказига зарур бўладиган стуллар жойлаштириш (200 та). Бунда, ташкилотчилар талабига мувофиқ барча зарур шарт-шароитлар яратиб бериш.	2026 йил 22 май	Фарғона шаҳар ҳокимлиги (В.Назаров), Фарғона Экспо маркази (И.Низомов)
16.	“Медиа ҳафталик” тадбирлари ўтказиладиган барча	2026 йил	“Фарғона электр тармоқлари ҳудудий

№	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
	объектларда электр энергиясини узлуксизлигини таъминлаш ва назоратга олиш.	18-22 май	корхонаси” АЖ бошқаруви (А.Сайдалиев), Фарғона шаҳар ҳокимлиги (В.Назаров)
17.	“Медиа ҳафталик” тадбирлари ўтказиладиган объектларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июль кунги “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 205-сон қарори талаблари асосида йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш чораларини кўриш.	2026 йил 18-22 май	Ички ишлар бошқармаси (А.Раҳматуллаев), Миллий гвардия бошқармаси (Ш.Акбаров), Фарғона шаҳар ҳокимлиги (В.Назаров)
18.	“Медиа ҳафталик” тадбирлари ўтказиладиган объектларда малакали тиббиёт ходимларидан иборат тез ёрдам бригадалари навбатчилигини ташкил этиш.	2026 йил 18-22 май	Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Б.Примқулов), Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси (Э.Маликов)
19.	“Медиа ҳафталик” тадбирлари ўтказиладиган объектларда биринчи фавқулодда ҳолатларда амалга ошириладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижросини назоратга олиш.	2026 йил 18-22 май кунлари	Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Ғ.Алавиддинов)
20.	“Медиа ҳафталик” жараёнларини вилоят ҳамда Республика оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ҳамда расмий интернет сайтлари орқали кенг ёритиб бориш.	2026 йил 18-22 май кунлари	Вилоятдаги барча ОАВ вакиллари

Изоҳ: (Топшириқ) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириғига кўра 2026 йил 18-22 май кунлари Фарғона вилоятида ўтказиладиган **“Медиа ҳафталик”** тадбирларини ташкил этиш бўйича алоҳида назоратга олинганлигини инобатга олиб, барча бошқарма, ташкилот ва туман (шаҳар) ҳокимлари ўзларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ташкил этиши сўралади.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари **М.Сулаймонов**